

Убайд ибн Яъийшнинг ўттиз йил ҳадис ёзгани ҳақида



10:50 / 13.02.2019 1944

Ҳофиз Заҳабий «Сияру аъламун Нубала»да Бухорий ва Муслимнинг шайхи, улуғ муҳаддис Убайд ибн Яъийшнинг таржимаи ҳоли тўғрисида қуйидагиларни ҳикоя қилган: «У ҳофиз, танҳо ҳужжат, Абу Муҳаммад Убайд ибн Яъийш Куфий, Маҳамилий ал-Аттор бўлиб, ундан Бухорий «Рофъ-ул ядайн» жузъида, Муслим «Саҳиҳ»ида, Насоий билвосита, Абу Заръата Розий, Муҳаммад ибн Айюб Бажалий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган. 129 ҳижрий санада Рамазон ойида вафот этган».

Аммор ибн Ражо айтади: «Убайд ибн Яъийшнинг шундай деганини эшитганман: «Ўттиз йил кечалари қоим бўлдим, тунда қўлим билан овқат емадим, мен ҳадис ёзардим, синглим оғзимга овқат солиб қўярди».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан